

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎКИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ

Эргашев Алишер Фарход ўғли  
ЎзДЖТУ 3- босқич талабаси  
Илмий раҳбар: Эргашева Н.

**Аннотатсия.** Ушбу мақола олий ўқув юртларида хорижий тилларни ўқитишда замонавий илғор технологиялардан фойдаланишнинг ахамиятини курсатади. Мақола замонавий технологиялар интерактив дарсликлар онлайн укув платформалари орқали талабаларга хорижий тилларни урганиш ва узлаштириш имкониятларини такдим этади. Ушбу технологиялар талабалар учун урганиш жараёнини осонлаштирадиб уларнинг мустақил урганишини ва амалиётни оширади, шунингдек, уқитувчилар учун ҳам қулайликлар яратади.

**Калит сузлар:** технология, имконият, хорижий тиллар, ўқитувчи, амалиёт, талаба, коммуникатив маданият, чет тили, интерфаол

**Abstract:** This article shows the importance of using modern advanced technologies in teaching foreign languages in higher educational institutions. The article offers students opportunities to learn and improve foreign languages with modern technologies, interactive textbooks and online learning platforms. These technologies facilitate the learning process for students, increase their independent learning and practice, and also create opportunities for teachers.

**Keywords:** technology, opportunity, foreign languages, teacher, practice, student, communicative culture, foreign language, interactive.

**Аннотация:** В данной статье показана важность использования современных передовых технологий при обучении иностранным языкам в высших учебных заведениях. Статья предлагает студентам возможности изучать и совершенствовать иностранные языки с помощью современных технологий, интерактивных учебников и платформ онлайн-обучения. Эти технологии облегчают процесс обучения учащихся, повышают их самостоятельность в обучении и практике, а также создают возможности для учителей.

**Ключевые слова:** Технология, возможность, иностранные языки, преподаватель, практика, студент, коммуникативная культура, иностранный язык, интерактив.

Мамлакатимиз мустақиллика эришганидан сўнг кўпгина соҳаларда катта ўзгаришларга эришилиб келинмоқда. Бошқа соҳалар билан бир қаторда таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам бунинг намунасидир. Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ва амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти

кадрларни тайёрлаш тизимининг муккамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимида Олий ўқув юртларида таълим юқори ўринга эга. Олий ўқув юртларида хорижий тилларни ўқитиш масалалари замонавий илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилса мақсадга мувофиқлиги кўзда тутилади. Маълумки, чет тилини ўқитишдан мақсад талабаларда чет тилини амалий тарзда ўзлаштириш ва уларда коммуникатив маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Бунда ўқитувчининг вазифаси талабаларда чет тилини ўрганиш жараёнида тилни пухта эгаллашлари ва уларнинг ижодий тафаккур фаолиятини фаоллаштиришдан иборат. Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жихатдан иштирокчиларнинг фаоллигини, аниқ мақсад сари интилишлари ва интизомли бўлишларига боғлиқ.

Ўқув машғулотларини ўтказишга таёргарлик кўриш ҳамда уни ташкил этиш учун сарфланган куч ва вақт хажм жихатдан анъанавий таълимни ташкил этиш учун сарфланган куч ва вақтга нисбатан анча кўп бўлади. Технологик воситалардан сўз билан тушуштириш самарали бўлмаган амалий ҳаракатларни кўرғазмали тарзда намоиш этиш зарурати юзага келганда фойдаланилади бу эса чет тилини ўрганишда жуда қулай воситадир. (Ачилова, З. П. (2022)). Ҳозирги янгиланиш даврида таълим жараёнини такомиллаштиришни амалга оширишда замонавий компьютер ва телекоммуникация технологияларини қўлланилиши ўқитувчининг фаолиятини ўқув жараёнида унинг мазмунини ва функциясини кескин ўзгартириб юборади.

Ўқитувчи ўз талабаларининг дарс жараёнидаги илмий – амалий фаолиятини самарали ташкил қилиш аввалдан режалаштириши, аниқ бир мақсадга мустақил матн яратишга йўналтириш учун ҳар бир дарс пухта режалаштирилиши, дарсни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилиши, лозим бўлса, янги машқ намуналарини танлаб, кўшимча машғулот сифатида режага киритиши, дарсни гуруҳлараро мусобақа руҳида олиб бориши ниҳоятда фойдалидир. Ўқитувчи доимий равишда талабаларни ўрганилган мавзу юзасидан ўз фикрларини айтишга ундаши, улар тамонидан киритилган таклиф вamuлоҳазаларни, ўз истеъдодини намоиш қилишга бўлган уринишларини ижобий тушуниши, бундай ижодкорлик, кашфиётчилик ҳаракатларини муттасил рағбатлантириб бориши, уларга шароит ва имкониятлар яратиб бериши зарур бўлади.

Янги педагогик усуллардан фойдаланиш нафақат талабаларга, балки ўқитувчига ҳам таълим бериш жараёнини енгиллаштириб бермоқда. Ҳар бир усул белгиланган муайян мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, у шубҳасиз фаолдир. Педагогик технологиялар талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилган.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. (Ачилова, З. П. (2022)).

Бу усуллардан фойдаланганда билим олиш ўқувчи учун қизиқарли машғулотга айланади. Интерфаол усуллар қўлланилганда ўқувчилар ўқитувчилар ёрдами ва ҳамкорлигида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ўқувчилар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба-синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар. Илм орқали билим олиш тамойилига амал қилинади. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлашади. Ўқув топшириқлари алоҳида бир ўқувчига эмас, балки кичик гуруҳнинг барча аъзоларига берилади. Микро гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси топшириқни бажаришда ўз ҳиссасини кўшишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат ўқувчиларда жамоа туйғусини шакллантиради ва уларнинг ташаббускорлигини орттиради. (Ачилова З. П.- 2023). Таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарсдир. Ҳозирги пайтда дарснинг хилма-хил ноанъанавий шакллари жорий этилмоқда. Бундай дарслар ўқувчининг ижодий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш ва ҳар бир янгиликни тез ва тўла қабул қила олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларда илмий изланишга қизиқишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча ўқувчиларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим.

#### **Адабиётлар:**

1. Ачилова, З. П. (2022). оғзаки матн таржимасининг фонетик ва лексик қийинчиликлари ва уни енгиб ўтиш имкониятлари. *pedagogs jurnali*, 3(1), 170-178.
2. Ачилова З. П. Синхрон таржима жараёнида мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – т. 31. – №. 2. – с. 23-28.
3. Ачилова З. П. Таржима қилиш қийин бўлган мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 310-315.
4. Ачилова З. П. Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 319-322.